Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 119 (6. 608) ◉ 1988 йил 25 май, чоршанба ◉ Баҳоси 3 тийин

## ЗАМОНДОШИМИЗ

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлари



# Йилларим ва йўлларим

Топшириқ қисқа ва лўнда бўлди.

— Владимир Тўйчиевич Одиловни топинг.

Кейин қўшиб қўйишди:

— Фақат жуда ҳушёр бўлиб гаплашинг. Биласизми, у ким ўзи?.. Оғзидан чиққан ҳар бир жумласини ёзиб олинг.

Бир чеккаси сал хижолат ҳам бўлдим. Ахир КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси бўлса. Нима деб сўроққа тутаман?

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига телефон қилдим. Трубкани корхона партия комитети секретарининг ўринбосари Ҳамидхон Ғанихонов кўтарди. Муддаоимни тушунтирдим.

— Ҳозир ишда-ку. Уни ишдан чалғитиш мумкин эмас. Иш пайтида безовта қилишларини ёқтирмайди Владимир Тўйчиевич.

Бошланди!

Мен бугун учрашмасам сира ҳам иложи йўқлигини тушунтирдим.

— Хўп, — гапимга кўнди Ҳамидхон Ғанихонов. — Мен тушликка чиққанида айтаман, Владимир Тўйчиевичнинг ўзи телефон қилади сизга. Телефон номерингиз қанақа?

Владимир Одиловнинг телефон қилишига, рости, ишонмадим. Машҳур ишчининг мухбир билан қанақа иши бор?

Тарвузим қўлтиғимдан тушиб ўтирган эдим, бехосдан телефон жиринглаб қолди.

— Мен Одиловман, — деди телефондаги киши, — ҳозир сменани тугатдим. Йўқлаган экансиз.

— Сиз билан суҳбатлашишим керак, — дедим қувонч билан, — иложи бўлса бугун.

— Ҳозир партия ташкилотимизнинг йиғилиши бор. Йиғилиш тамом бўлиши билан қўнғироқ қиламан.

Баҳона қиляпти!

Баҳона эмас экан. Орадан бирор соат ўтар-ўтмас Одилов билан яна сўзлашдик.

— Бу ерга келиб овора бўлманг, — деди у, — ўзим бора қоламан.

Ниҳоят, хона эшиги очилиб, Владимир Тўйчиевич Одилов кириб келди.

— Келдим, — деди у кулимсираб, — узр, сал кечикиб қолдим.

Владимир Одилов жуда ҳам очиққўнгил, кўзлари мулойим боқувчи, лекин ишчиларга хос йўғон гавдали экан. Унинг самимияти тортинишга ўрин қўймади.

— Сизни Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегат бўлганингиз билан табриклайман, — дедим унинг қўлини астойдил қисиб. — Оқшомхонларимизга сиз ҳақингизда ҳикоя қилиб бериш ниятида эдик.

Владимир Одилов бир озгина сукутга чўмди. Кейин менга қараб кулиб қўйди.

— Майли.

Сўнгра шошилмасдан сўз бошлади. Мен унинг дил сўзларини жон қулоғим билан тинглай бошладим...

◉ СУРАТДА: Владимир Одилов.

Т. Каримов фотоси.

◉ (Владимир Одиловнинг юрак сўзларини газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

XIX

## Тадбиркорлик самараси

Шаҳримиздаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳозирги кунда зарур бўлган қизлар учун мактаб формалари, аёлларнинг чиройли фасондаги кўйлаклари, плашчлар, жажжи боғча ёшидаги болаларнинг кийим-кечакларини тикиб чиқарадиган бу бирлашма тез орада ўзини тиклаб олди. Бирлашма тикув цехларининг 37 та бригадасида 2300 дан зиёд хотин-қиз ишлайди.

Биз бирлашманинг инженери Гўзалхон Аброрхўжаева билан суҳбатлашдик.

— Цехлар ва бригадалар ўртасида социалистик мусобақа йўлга қўйилган. Комсомол бригадалари орасида 4-цехдаги Т. Надеждина бригадаси уч ойлик планни 114 процентга бажариб, мусобақада биринчи ўринни эгаллаб келяпти. Яқинда 92 илғор ишчи, шу жумладан Д. Пўлатова, Н. Зоҳидова, С. Ёқубова, Т. Малкина ва бошқалар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига ўзларининг шахсий уч йиллик планларини бажаришга қарор қилдилар.

Бирлашмада кейинги пайтларда «Ўз касбининг устаси», «Энг яхши мураббий», «Энг яхши ёш ишчи», «Энг яхши мастер» номларига эга бўлиш учун социалистик мусобақалар ташкил этилмоқда. Ишчилар ўртасида ўз сафларини кенгайтириш ташаббуси кўтариб чиқилди. Бу дуч келган одамни қабул қилиш эмас, балки шу касбга лаёқатли, қизиқиши бўлган ёш, қобилиятли ёшларни ишга жалб қилиш, ўзларига шогирдликка олиш ташаббуси демакдир. Бундай ишчиларга алоҳида мукофотлар ҳам таъсис этилган.

3-цех бош мастери Гулнора Ғуломова шундай деди:

— Бошқа цехлар каби бизда ҳам социалистик мусобақа яхши боряпти. Ася Абдулина, Малоҳат Жамилбекова, Лилия Милишкина, Маъсуда Раҳматова, Мастура Орипова каби ишчилар ўз вазифаларини маҳорат билан бажаришиб, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига муносиб совғалар ҳозирламоқдалар.

**М. ЙЎЛДОШБОЕВА,**

**ТошДУ студенти.**

# «ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН!»

## Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг X Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларига

Тошкентда очилаётган X Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини чин кўнгилдан қутлайман.

Бадиий маданият одамларни яқинлаштириш, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги маънавий алоқаларни йўлга қўйишдек ноёб имкониятга эгадир. Она ер — бизнинг муштарак хонадонимиздир ва жаҳон жамоатчилиги эндиликда мана шу заминни асраш учун, барча миллатлар ва миллий маданиятларнинг эркин равнақи учун, эзгулик, тинчлик ва интернационализм ғояларини мустаҳкамлаш учун сарфланадиган биргаликдаги куч-ғайратларнинг муҳимлигини тобора аниқ-равшан англаётганлиги қонуний бир ҳолдир.

Кинематографчилар халқаро ҳамкорлик ва ишончни кенгайтириш, янги сиёсий тафаккурни қарор топтиришга ёрдам бериш учун катта имкониятларга эгадирлар. Бу галги Тошкент фестивали ана шу энг муҳим вазифани амалга оширишга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Кинофестиваль меҳмонлари ва қатнашчиларига сидқидилдан ижодий муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман.

**М. ГОРБАЧЕВ.**

# ЭЗГУЛИК, ТИНЧЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ ҒОЯЛАРИ ҚАРОР ТОПСИН

### ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ X ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Шарқда бахт-саодат ва донолик рамзи бўлмиш Олтин семурғ биллур қоя узра қанотларини ёйган. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари X Халқаро кинофестивали бош совринининг кўриниши ана шундай. Фестиваль 24 май куни Тошкентда тантанали равишда очилди. Шу мўътабар кинокўрикда 87 мамлакат ҳамда бешта халқаро ва миллий ташкилотлар — БМТ, ЮНЕСКО, Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси, Фаластин Озодлик ташкилоти, Чили ватанпарвар кучлари қатнашмоқда.

Шу юбилей учрашуви Тошкент фестиваллари тарихида янги бир босқични ҳам очиб беради: қатнашчилар, жамоатчилик, матбуотнинг кўпдан-кўп таклифларига мувофиқ фестивалнинг конкурссиз статуси бекор қилинди ва соврин учун мусобақалашиш системаси жорий этилди. Киноанжуманнинг обрў-эътибори ва ваколатини, унинг программалари бадиий савиясини юксалтириш, аввалги ҳамма учрашувларда тобора кучайиб борган ортиқча дабдабабозликлардан қутулиш, инсониятнинг тўртдан уч қисми яшайдиган «учинчи дунё» мамлакатлари кино санъатининг аҳволи ва ривожланиш истиқболларига реал баҳо бериш иштиёқи туфайли шундай қилинди.

Бундан йигирма йил аввал Тошкентда биринчи фестиваль бўлганида кинематография шу мамлакатларнинг кўпида эндигина ривожланиб келаётган эди, дейиш мумкин. Никарагуа киноси амалда йўқ эди, Африкадаги кўпгина давлатларда у энди кўзга кўрина бошлаганди, Куба кино санъати ҳали етук эмасди. Шунинг учун ҳам Тошкент кўригини ташкил этувчиларнинг анжуман ҳамма қатнашчиларига мусобақасиз кўрсатиш доирасида баравар имкониятлар бериш ташаббуси ўшанда ғоятда қўллаб-қувватланганди. Кўрикнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган шиори ҳам, инсонпарварлик ва демократия руҳининг ўзи ҳам жозибали бўлиб қолди.

Вақт ўтиши билан шогирдлар тажриба орттирдилар, жаҳон кино жараёнида ўз мавқеларини қарор топтирдилар. Бунда ҳам Тошкент анжуманининг роли катта. Вьетнам, Мозамбик, Лаос, Зимбабвенинг жанговар киноси айни Тошкент анжуманида баралла янгради... Кинематография осмонида марокашлик Сухайл Бин Барка, сенегаллик Усмон Сембен каби машҳур ҳамкасблари билан беллаша оладиган киноусталарнинг номлари пайдо бўлди. Шундай қилиб, соғлом мусобақанинг рағбатлантирувчи руҳини акс эттирмайдиган «конкурссиз Тошкент» уч қитъа кинематографиясини янада юксалтиришга ғовнок бўлмаяптимикин, деган савол тез-тез берила бошлади. Чунончи, Гавана, Карфаген, Дамашқ шаҳарларида ҳам бир қанча навқиронроқ халқаро кўриклар шу таҳлитда — конкурс принципи асосида ўтказилмоқда. Тажрибанинг кўрсатишича, бу нарса фестиваль экранига саёз фильмларнинг чиқиши йўлини тўсади. Халқаро кўрикка кириб қолган бўш фильмнинг обрўси ҳеч қачон ошмайди.

Тошкент Санъат саройида ўтадиган конкурс фильмларига ўн бешта картина танлаб олинди. Таниқли режиссёр Мигель Литтин (Чили ватанпарварлик кучлари) бошчилигидаги жюри шулардан энг яхшиларини айтиб беради. 45 яшар бу кино устаси «Марусиа конидаги воқеалар» фильми учун «Оскар» мукофотини ва «Альсино ва бургут» картинаси учун XIII Москва Халқаро кинофестивалининг бош совринини олган. М. Литтин 1973 йилги фашистлар тўнтаришидан сўнг Мексикага бориб қолган.

Бош совриндан ташқари, хотин-қизлар ва эркаклар ролларини энг яхши ижро этганлик учун, энг яхши дебют учун ҳам мукофотлар белгиланган. Кино санъатида миллий анъаналарни сақлаганлиги ва ривожлантирганлиги учун совринни қўлга киритган лента авторларига эшак минган Хўжа Насриддиннинг ҳайкалчаси топширилади ва у ўзбек диёридаги учрашувларни эслатиб туради. Республиканинг етакчи рассомлари фестиваль совринларининг энг яхши эскизлари конкурсида қатнашдилар ва бу совринлар Тошкент корхоналарида тайёрланди.

Яна бир янгилик. Фестиваль доирасида илк бор кинематографчилар профессионал клуби — мунозара, мулоқотлар ўтказиладиган, тажрибалар баҳам кўриладиган жой — «ПРОК-88» ташкил этилди. Кино бозорида олди-сотди бошланиб кетди. Бозорнинг доимий қатнашчилари — Ҳиндистон, Япония, Ироқ, Мексика, Бразилия кинопрокатчилари билан бирга Колумбия, Зимбабве, Замбиядан илк бор кинобизнес вакиллари, шунингдек АҚШ, ГФР, Италиядан мутахассислар келадилар. «Кино ва миллий маданият анъаналари» симпозиуми ҳам ўтказилади.

В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида анжуманнинг тантанали очилишида М. С. Горбачевнинг Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари X Халқаро кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган Табрикномаси узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олинди. Табрикномани СССР Давлат кинематография комитетининг раиси А. И. Камшалов ўқиб эшиттирди.

Фестиваль ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукумати номидан фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини табриклади. Кинофестиваль ҳаракатининг мазмундор ва жўшқин тарихи Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографияси оммага билим бериш ва уни тарбиялашда тобора кўпроқ роль ўйнамоқда, ҳарбийлаштиришга, жабр-зулмга, ирқчилик ва миллатчиликка қарши курашчилар сафларига қўшилмоқда, озодлик ва тенглик учун, янги, бахтиёр ва муносиб ҳаёт учун курашда кучли қурол бўлаётганлигини яққол тасдиқламоқда, деди у. Тошкент кўригининг байроғи остида уч қитъа кино санъати янада ривожланиб, дўстлар ҳозирги учрашувининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган илҳомбахш шиорини янги ажойиб мазмун билан тўлдиради.

Сўнгра Мигель Литтин фестиваль халқаро жюрисининг аъзоларини: кубалик актриса Дейси Гранадос, ҳинд режиссёри Кетан Мехт, тунислик режиссёр Абелатиф Бин Амар, хитойлик режиссёр Се Дзинь, япон режиссёри Огури Кокей, совет режиссёрлари Али Ҳамроев ва Давлат Худоназаровни таништирди.

Мигель Литтин ривожланаётган мамлакатларнинг кинематографияси бюрократия ва коммерциянинг зўр тазйиқига дуч келаётган ҳозирги пайтда эркесевар санъат намояндаларининг Тошкентдаги учрашувлари, айниқса, муҳим эканлигини қайд этиб ўтди...

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг ўнинчи Халқаро кинофестивали очиқ, деб эълон қилинади. Фестиваль байроғи кўтарилди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг гимнлари янграйди.

Кинофестивалнинг тантанали очилиши маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Х. Холмуҳамедов, СССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари вазифасини бажарувчи А. С. Смирнов иштирок этдилар.

**(ЎзТАГ).**




СУРАТДА: Фестивалнинг тантанали очилиш маросими. Р. Шарипов фотоси.

## Сўз — кинофестиваль қатнашчиларига

**Сесилия ФОНСЕКЕ,**

**Гвинея-Бисау Республикаси кино ишлаб чиқариш уюшмасининг секретари.**

— Гвинея-Бисау Республикаси жафокаш Африкада эндигина тараққиёт йўлига кириб бораётган ёш мамлакатлардан биридир. Менинг мамлакатимда халқ хўжалигини тиклаш учун катта ишлар олиб борилмоқда. Лекин бу ўринда кино санъати тараққий этмаган бўлса ҳам, мен уни ҳеч қачон камситмайман. Энг қувончлиси шундаки, ёш республиканинг биринчи мустақил бадиий фильми юзага келди. Бу фильм халқимизнинг революцион кураши ҳақида ҳикоя қилади. У шу кунларда монтаждан чиқарилмоқда. Картинани Тошкент Халқаро кинофестивалига олиб келиш насиб этмаган бўлса ҳам, биз бу катта халқаро анжуманнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланамиз ва келгусида кўплаб картиналаримизни ана шу ерда кўрсатишга ишончимиз комил.

Мен Тошкент Халқаро кинофестивалида қатнашар эканман, Михаил Горбачев ва Рональд Рейганнинг бўлғуси учрашувини чин кўнгилдан қутлайман. Бу тинчлик йўлида қудратли аҳамият касб этувчи учрашувдир. Бу, айни чоқда уч қитъа киносанъати тараққиёти учун ҳам катта имкониятлар очиб беради.

# КООПЕРАЦИЯ РИВОЖЛАНИБ, МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН!

## СССР Олий Советининг сессиясидан

24 май куни Москвада, Катта Кремль саройида ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси иш бошлади. Эрталаб соат 10 да Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюнков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Президиуми составидаги ўзгаришлар тўғрисидаги; СССРда кооперация тўғрисида СССР Қонуни лойиҳаси ҳақидаги; КПСС XXVII съезди қарорлари асосида уй-жой ва маданий-маиший қурилиш программасининг бажарилишини таъминлаш юзасидан совет ва хўжалик органларининг иши тўғрисидаги; СССР Олий судининг фаолияти тўғрисидаги; СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масалалар сессиянинг кун тартибига киритилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **Е. К. Лигачев** нутқ сўзлади. Депутатлар СССР Олий Совети Президиумининг составидаги ўзгаришларни тасдиқладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. И. Рижков** СССРда кооперация тўғрисидаги СССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида доклад қилди.

Ҳозирги шароитларга татбиқан кооперация, деди докладчи, жамиятимиз олдида турган олижаноб мақсадларга эришишнинг таъсирчан воситаси, кучли тезлатгичидир. Бугунги кунда у партия ва давлатнинг катта бунёдкорлик ишидаги бўғин бўлиб, совет кишиларининг ортиб бораётган эҳтиёжларини мумкин қадар тўлароқ қондиришдек асосий вазифани ҳал этиш муваффақиятини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Мамлакатда кооперация ҳаракатини ривожлантириш учун, уни дарҳақиқат, оммавий ишга айлантириш учун ҳозир зарур сиёсий, иқтисодий ва социал шарт-шароитлар яратилган.

Совет давлати олий органининг муҳокамасига қўйилган кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳаси қайта қуриш туфайли юзага келган бўлиб, у қайта қуриш учун ишлаши керак. Унда иқтисодий сиёсатга янгича ёндашув қонун билан акс эттирилган. Социализм ва унинг битмас-туганмас бунёдкорлик кучлари тўғрисида тараққий этиб борувчи абадий барҳаёт Ленин таълимоти унга асос қилиб олинган.

Лойиҳани муҳокама қилиш чоғида кўпдан-кўп таклифлар ва мулоҳазалар айтилди, улар ҳужжатни мукаммал ишлаб чиқишда бебаҳо ёрдам берди, деди докладчи. Тушган таклиф ва мулоҳазаларнинг биронтаси ҳам эътиборсиз қолдирилмади. 50 моддадан 42 таси бирон бир тарзда аниқланди, ўзгартирилди ва тўлдирилди.

Кооперация тўғрисидаги Қонун кооперативларнинг вужудга келган ҳуқуқий статусини тубдан ўзгартиради. Қонун уларнинг кооператив табиатини ва кооператив демократиясининг асосий принципларини тўла тиклайди. У экономикамизнинг ҳамма соҳаларида ғоят хилма-хил кооперативлар очиш ва уларни актив ривожлантиришга кенг майдон очиб беради, кооперациянинг янада ўсишига кучли омил бўлади, кооперацияни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқади, кўп миллионли совет кишиларини экономика ва социал-маиший соҳани ривожлантиришга жалб этиш имконини беради.

Кооперативларга иш йўналишларини танлаб олишда кенг майдон очиб берилади. Кооперация ҳох қишлоқ хўжалик ёки саноат ишлаб чиқаришида бўлсин, ҳох хизмат кўрсатиш соҳаси, интеллектуал ёки жорий этиш фаолиятида бўлсин, у куч-қувватни сарфлашнинг қатъий муайян тор доиралари билангина чекланиб қолмаганидагина меҳнаткашларнинг ташаббуси ва фаолиятини дарҳақиқат кенг қулоч ёздира олади.

Лойиҳада ифодаланган кооперативлар тузиш тўғрисидаги низом принципиал муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эндиликда совет, хўжалик органлари ва бошқа органларнинг биронта махсус руҳсатномаси керак бўлмайди. Кооперативлар гражданларнинг истакларига мувофиқ, фақат ихтиёрий равишда ташкил этилади. Кооперация тўғрисидаги Қонун асосида ишлаб чиқилган Устав лойиҳасига эга бўлган ҳар қандай кооператив уни халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитетида монеликсиз рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Кооперативнинг умумий даромадидан бирмунча паст солиқ қатъий ставкалари белгиланган. Бу нарса иш ҳақига кўпайиб борувчи солиқ солиниши билан бирга даромадларнинг кўп қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгиланишга, маҳсулотларни яхшилашга, коллективнинг социал эҳтиёжларига сафрлашни нафли қилиб қўяди.

Кооперация тўғрисидаги Қонуннинг асосий моҳияти — колхозчи деҳқонларнинг ижодий имкониятларини очишдан, далалар ҳосилдорлигини, фермалар маҳсулдорлигини муттасил кўпайтириб боришга ундайдиган, қишлоқнинг социал муаммоларини ҳал этишни таъминлайдиган шароитлар ва кафолатлар яратишдан иборатдир. Бу ўринда гап аввало анъанавий тарзда вужудга келган яроқсиз бошқариш методларини бартараф этиш, колхозларга уларнинг кооператив табиатини қайтариш, колхоз демократиясини тиклаш тўғрисида бораётир. Докладчи янги қонуннинг қишлоқ хўжалик кооперацияси тўғрисидаги бўлимигина эмас, шу билан бирга бошқа ҳамма моддалари қишлоқдаги колхозлар ва бошқа кооперативларга тамомила тааллуқли эканини таъкидлади.

Кооперация тўғрисидаги Қонунни 1988 йил 1 июлдан кучга киритиш таклиф этилади.

Шундан сўнг докладни муҳокама қилиш бошланди. Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

**(ТАСС).**

